

Дастлабки тергов даврида ва судда ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши суд қарорларининг бекор бўлишига ва жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтаришга асос бўлган.

Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2003 йил 28 апрелдаги ҳукмига кўра Т. ва А. ЖК 25,166-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан ҳар бири 5 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлар.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. ва А. жиноятни қуидаги ҳолатларда содир этишган.

Т. ва А. ўзаро жиноий тил бириктириб, 2003 йил 28 январдан 29 январга ўтар кечаси Шеробод туман тиббиёт коллежи ётоқхонасининг дам олиш хонаси эшигини бузиб киришиб, талончилик йўли билан 15.000 сўмлик ўзганинг мулкини эгаллашга суиқасд қилишган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 13 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринbosари томонидан билдирилган протестда суд қарорларининг Т. ва А.ларга нисбатан чиқарилган қисмини бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча тергов ўтказиш учун юбориш сўралган.

Вилоят судининг раёсати қуидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирган.

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатга кўра, дастлабки тергов даврида Т. ва А. бир бирига қарама-қарши кўрсатувлар бериб, Т. мазкур жиноятни содир этганлигини инкор этган, А. эса, қилмишига пушаймон бўлиб кўрсатув берган бўлсада, ҳар иккаласини битта адвокат У. ҳимоя қилган.

Дастлабки тергов даврида Т. ва А. ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси, муқаддам ҳар иккаласини ҳимоя қилган адвокат У. ва бошқа адвокат Б. томонидан имзоланган. Аммо адвокат Б.га Т.ни ҳимоя қилишлик учун ордер ушбу тергов ҳаракати ўтказилганидан тўрт кун ўтгач берилган.

Бундан ташқари, жиноят иши бўйича суд тергови тугаши арафасида адвокат У.нинг дастлабки тергов даврида ҳар иккала судланувчини ҳимоя қилганлиги учун А.нинг ҳимоясидан ихтиёрий равишда воз кечиши ҳақидаги илтимосномаси суд томонидан қаноатлантирилган ва кейинчалик А. ҳимоясини адвокат О. амалга оширган. Бироқ жиноят ишида судланувчи А.ни ҳимоя қилиш учун адвокат О.нинг номига берилган ордер мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 17-сонли қарорининг 21-бандига ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасига мувофиқ манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлган бир неча шахснинг ҳуқуқлари битта ҳимоячи томонидан ҳимоя қилиниши гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонун нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланиши лозим.

Қайд этилган қонун нормаси ва Олий суди Пленуми қарори талабларига ушбу иш бўйича амал қилинмаган. Суд А. ва Т.ларнинг ҳимоячилари Б. ва О.нинг ҳимоячи сифатида қатнашиш учун маҳсус рухсатнома-ордерга эга бўлмаган ҳолда тергов ҳаракатлари ва суд мажлисида қатнашганлигига, шу муносабат билан уларнинг ҳимоя ҳуқуқи бузилганлигига эътибор бермаган.

Вилоят судининг раёсати юқоридагиларни инобатга олиб, иш бўйича чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтарган.

03-227-04 сонли қарор

